




# АДОЛАТ

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

## БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ — ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

### Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясидаги маърузаси



Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Хурматли депутатлар! Олий Мажлисимизнинг ушбу сессияси кун тартибига ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўта муҳим ўрин тутадиган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги масала киритилган.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаётган асосий омиллار ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Конституцияга зудлик билан ўзгартиришлар киритиш ёки уни қайтадан кўриб чиқишни талаб қиладиган қандайдир шовшланиш ҳолат ёки вазият юз бергани йўқ.

Сизларга яхши маълумки, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда умумбаъшарий кадриятлар устуворлигини ўзида мужассам этган бизнинг янги Конституциямиз мустақил ва суверен тараққиётимизнинг дастлабки босқичида, 1992 йилнинг декабрида қабул қилинган эди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу Конституция мустабид тузумдан демократик жамиятга, мамлакатнинг бошқаришда инқирозга юз тутган ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимида эркин иқтисодий таъминлашнинг таъминлади, давлатчилик ва ҳуқуқ, сиёсат соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ислохотларни амалга оширишда ишончли қонунчилик негизи ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизда мурлаб қўйилган демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар асосида мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, қонунчилик, ижро ва суд-ҳуқуқ соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган дастур қабул қилинди ва у изчил амалга оширилмоқда.

Юқсак маънавий-ахлоқий кадриятлар ва миллий аъёнларни ҳаётга жорий этиш масаласининг Асо-

сий Қонунимизда мустакамлаб қўйилиши жамиятимизни янгилашга, жаҳон демократик ҳамжамияти билан интеграциялашувга интилаётган мамлакатимизнинг янги қиёфаси ва фуқароларимизнинг янги тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириб, амалдаги Конституциямизда белгилаб қўйилган қадрият, мақсад ва вазифаларни мустақил тараққиётимиз даври мобайнида ҳаётга жорий этишда эришилган натижаларни, юқсак марраларни танқидий баҳолаб эканмиз, бир нарсага қайта ва қайта ишонч ҳосил қиламиз.

Яъни, бизнинг ҳоқимиз учун мутлақо номақбул бўлган, мафқуралашган эски тизимдан воз кечиб, ўзимизга мос босқичма-босқич тадрижий ўзгариш, янгилаш ва тараққиёт йўлидан бориш, очик, эркин демократик жамият қуриш — биз учун фаровон келажакка қаратилган ягона тўғри йўл эди ва шундай бўлиб қолажак.

Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: у ҳолда нима учун мамлакатимиз Конституциясига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш таклиф этилмоқда? Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Табиийки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди.

Шу маънода, бугун эзгу мақсадимиз — мамлакат тараққиёти ва фаровонликка эришишнинг ягона йўли — бу факатгина изланиш, янгилаш ва ислохотлар йўлидаги олға интилиш экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳоҳат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бу борада биз эришган натижалар — давлатимизни янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган бутун бир тизимнинг дастлабки босқичи, ҳолоқ. Республикамизда амалга оширилган ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб, суръати жадаллашиб бorgan сайин, бу жараёнларнинг изчиллиги ва давомийлигини сақлаш ҳолда, жамиятни янада эркинлаштириш ва де-

мократиялаш зарурати тобора аниқроқ намоён бўлмоқда. Ва бундай ҳолатни сезмасдан бўлмайди.

2002 йилнинг 27 январидан ўтказилган келгуси чакриқдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат мuddатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган умумхалқ референдуми ҳам ўз моҳият-эътиборига кўра айнан мана шу вазифаларни ҳал этишга қаратилган эди.

Референдум натижаларига биноан Олий Мажлисининг VIII сессиясида "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди.

Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи олий органи — икки палатали парламентнинг тузилиши, таркиби, фаолият юритиш асосларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат мuddатини етти йиллик қилиб белгилаш, энг муҳими — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тасдиқлаб берди.

Олий Мажлисининг X сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Олий Мажлис палаталарининг мақоми, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмларини аниқлаб берди.

Мухтасар қилиб айтганда бўлса, референдум яқунлари ва унинг асосида қабул қилинган учта конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратди.

Мен бугун, мана шу имкониятдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, таклиф этилаётган ўзгартириш ва тузатишлар

Асосий Қонунимизнинг мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қилмаган ҳолда, аввало, Олий Мажлис, унинг қўйи ва юқори палаталарининг мақоми ва ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини, шунингдек, сайлов тизимини асосларини белгилаб берадиган қоида ва моддаларга тегишлидир.

Конституциянинг Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиятига тааллуқли бўлган 107-, 110- ва 112-моддаларига ҳам айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу ўзгартиришлар суд тизимини ихтисослаштириш ва такомиллаштириш жараёнини кенгайтириш, судларнинг вазифаларини янада аниқлаб белгилаб, уларнинг амалда мустақиллигини ишончли кафолатлашни таъминлашни ўзида акс эттиради.

Энг муҳими, мазкур ўзгартиришлар мамлакатимизда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни, у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий нормаларни тубдан эркинлаштириш бўйича қонунчилик палатаси қабул қилинган етти йиллик қилиб белгилаш, энг муҳими — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тасдиқлаб берди.

Биринчидан. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида ва қонунчилик палатаси ва суд ҳокимияти ўртасида демократик, янада мутаносиб равишда қайта тақсимланиши ва уларнинг мувозанати таъминланади.

Ҳокимият тармоқларининг ҳар бирига Конституцияда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратилади.

Қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортади. Олий Мажлисининг ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш, хусусан, Бош вазир номзадини тасдиқлашдаги роли ва ваколатлари кучаяди.

Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи гада, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги

дилопатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари янги ташкил этиладиган юқори палата — Сенатга ўтказилади.

Иккинчидан. Конституциянинг "Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир" деб кайд этилган 89-моддасининг тахрири принципал равишда ўзгаради.

Бу модданинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади" дейилган иккинчи қисми олиб ташланади.

Президент ваколатлари ҳамда вазифаларининг шу тарзда қайта тақсимланиши, ҳеч шубҳасиз, давлат қурилиши соҳасида бошланғич демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, Бош вазирнинг, ҳукумат ва бутун ҳукумат тузилмаларининг ваколатларини ошириб, шу билан бирга, уларнинг масъулиятини сезиларли даражада кучайтириш имконини беради ва бундай ҳолат Конституцияда ўз тасдиғини топади.

Учинчидан. Қўйи, яъни Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий, профессионал асосда амалга оширади. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳол мазкур палаталар сайлов ваколатларини таркибининг сифат жиҳатидан ўзгаришига, уларнинг малака ва касб маҳоратига бўлган талабнинг ортишига олиб келади.

Айни вақтда биз қонунлар устида ишлаш жараёнининг ўзи ҳам тубдан ўзгаришини ва пировард натижада қабул қилинадиган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сифати ҳам яхшиланишини кутишга ҳақлимиз.

Сессия мажлислари тартибиде ишлайдиган ҳозирги парламентимиздан доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси фаолиятга ўтиш ҳам шу мақсадга олишга имкон беради.

Ишончим комилки, депутатларнинг Қонунчилик палатасига партиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида ва ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланиши, бугунги кунда фаолият юритаётган партияларнинг, шунингдек, нодавлат, жамоатчилик ва фуқаролик институтлари, бирлашма ва ташкилотларнинг жамият амалий ҳаётидаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини тубдан кучайтириш учун зарур шарт-ша-

роит яратади.

Ўз навбатида, вакиллик органи сифатида тузилаётган, ҳудудий субъектлар — маҳаллий кенгашлар депутатлари вакилларини тенг миқдорда бирлаштирувчи юқори палата — Сенатнинг шакллантирилиши Қонунчиликнинг энг юқори органи бўлиши Олий Мажлисга, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг юрак уришини билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг манфаатларини акс эттириш ва химоя қилиш имконини беради.

Қўйи ва юқори палаталарнинг бундай тартибда шаклланиши Ўзбекистон Республикаси парламентида нафақат сиёсий гуруҳ ва ҳаракатларнинг, балки минтақавий кучларнинг, бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси барча ижтимоий қатламларининг манфаатларини тўлиқ ифода этиш учун зарур асос ва кафолатларни яратади.

Туртинчидан. Ўз-ўзидан аёнки, қонунчилик ҳокимияти таркибий тузилишининг ўзгариши ва унинг икки палатали асосда шакллантирилиши билан ҳар қайси палатанинг ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг мутлақ ва биргаликда амалга оширадиган фаолият соҳаларини Конституциянинг ўзида аниқ чегаралаб қўйишнинг аҳамияти жуда каттадир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг фаолият соҳалари ва йўналишларининг, бу масаланинг барча жиҳатларини инобатга олган ҳолда, қонуний асосда конституциявий нукта назардан аниқ-равшан белгилаб берилиши уларнинг ишида бир хиллик ва бир-бирини тақдорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлайди. Айни пайтда давлат аъзолари орасида ўзаро зиддият ва кибр-хавога берилиш, низоли вазиятлар вужудга келишининг ҳам олдини олишга имкон беради.

Бу борада қонунларни қабул қилишда барчамиз демократик тамойил ва меъёрларга риоя этишни ўрганишимиз, депутатлик этикасини сақлаган, халқ вакили деган муносиб номга доғ туширмаган ҳолда, принципаллик ва катъият кўрсатиб ишлашимиз зарур.

(Давоми 2-бетда).

## Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

24 апрель куни Тошкентда иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, чет мамлакатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиясининг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди.

Сессия қатнашчилари депутат Ф.Омонов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этди.

Шундан сўнг кун тартиби тасдиқланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирган омилларга тўхтади. Президент Асосий Қонунга ўзгартиришлар киритиш мамлакатимизнинг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлидаги изчил ҳаракатининг ҳолис инъикоси эканлигини, мамлакатимиз олдида турган мақсад ва вазифаларга эришиш учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ироқдаги воқеалар билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикр билдирди, ушбу муаммо бўйича Ўзбекистоннинг тутган позициясини ҳар томонлама асослаб берди.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов тақдим этди.

(Давоми 2-бетда).

## Ироқ теварагидаги муаммони ҳал этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

### БАЁНОТИ

Ироқ ва уни қуролсизлантириш муаммосини ҳал этишга қаратилган ҳарбий ҳаракатлар жаҳон жамоатчилиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тузилмалари, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар, сайёраимизнинг кўпгина мамлакатлари диққат марказида турибди.

Воқеалар ривожининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг жуда кўп резолюциялари ва қарорлари бажарилиши юзасидан жаҳон ҳамжамияти томонидан қўрилган барча чора-тадбирлар зое кетди. Ироқни қуролсизлантириш бўйича нуфузли халқаро комиссияларнинг ялпи қирғин қуролларини яратиш, ишлаб чиқариш ва қўлланиш имкониятларига чек қўйишга, Ироқ теварагидаги муаммони тинч йўллар билан ҳал этишга қаратилган сайё-ҳаракатлари энг аввало мазкур мамлакат раҳбарияти ва бевосита Садам Хусайннинг айби билан самара бермади.

Таассуфки, Ироқдаги ҳокимият тизимини тутиб турган режим кейинги ўн йиллар мобайнида қўшни суверен мусулмон мамлакатларига қарши бир неча бор уруш чикарди, Эронга қарши урушда ва ўзининг тинч аҳолисига қарши химийвий қурол ишлатди, халқаро ҳамжамиятнинг барча оғохлантиришларидан тегишли ҳулосалар чиқариб олмади.

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси тутган йўл мамлакатимизнинг халқаро терроризм ва экстремизмга қарши, ялпи қирғин қуроллар тарқалишига, наркотиковузага қарши, халқаро хавфсизликка бўлаётган бошқа кураш ва таҳдидларга қарши катъият билан кураш олиб боришга қаратилган изчил, собитқадам ва принципал сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Ироқдаги воқеалар ривожини, мамлакат аҳолиси Садам Хусайн мустабид тузумининг зуғуми ва бедодлигидан ҳалос бўлганини нақадар кувонч ва завқ-шавқ билан кутиб олаётганини Ироқда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлидан, янгилаш ва демократик ривожланиш, мамлакат халқининг тинчлик-хотиржамлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш йўлидан изчил бориш имкониятлари юзага келмаётганидан далolat беради, деб ўйлаш учун барча асослар бор. Ироқда тартиб-қоида ва қонунчилик ўрнатилиши даражасига қараб, аҳолининг ҳаётий таъминоти пухта йўлга қўйиб борилади, мамлакатнинг тинч турмуши ва иқтисодий тикланиши, ана шу ижобий жараёнлар, шак-шубҳасиз, кучая бориб, барқарорлик касб этади.

Ироқни тиклаш ишидаги ана шу мақсадларга эришишнинг муҳим шартини халқаро ҳамжамият томонидан, имкони кўтарган барча мамлакатлар томонидан аниқ ва амалий ёрдам кўрсатишга, зарур моддий ва молиявий маблағларни излаб топиш ҳамда ажратилишга асосланиши мумкин ва шундай бўлиб қолиши ҳам керак.

Ўзбекистонда Ироқ халқининг қўхна тарихини, миллий аъёнларини ва бой маданиятини яхши билидиган ҳамда ҳурмат қиладиган. Илгари узоқ йиллар Ўзбекистон вакиллари — муҳандислар ва қурувчилар, ирригаторлар ва мелиораторлар Ироқ иқтисодий-иқтисодий турли қурилиш жабҳаларида меҳнат қилишган, ўша давр уларда яхши хотира бўлиб сақланиб қолган. Ишончимиз комилки, Ироқ тарихидаги ҳозирги мураккаб даврда ҳам Ўзбекистонлик мутахассислар Ироқни тинч йўл билан тиклаш бўйича гуманитар лойиҳаларни амалга оширишда баҳоли қудрат ёрдам кўрсатадилар ва иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ироқ муаммосини ҳал этиш бўйича АҚШ ҳамда иттифоқчиларининг стратегик йўлини қатъият билан қўллаб-қувватлаётган давлатимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сиёсати жуда тўғри эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Ироқ халқи олдида гуллаб-яшнайдиган демократик жамият барпо этиш учун кенг имкониятлар юзага келаятир дея ишонч билдиради.

Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган.

(Давоми 2-бетда).





2003 йил — Обод маҳалла йили

# ДИЛДА ИШТИЁҚ БЎЛСА

## ҳар қандай яхши ниятга йўл очилаберади

Бу хушxabарни эшитганлар Абдуфаттоҳ аканинг байрақларига таҳсинлар айтиб, омадини тилашди. Бу тул республика бўйлаб «Дўстлик» маҳалласининг номи таралганлигидан қувонган катта-ю кичик эса «Элни эъозлаганини эл эъозлайди», деган ажойиб нақлнинг бежиз эмаслигини хис этди, маҳалланинг истиқболдан бундан ҳам порлоқ бўлишига ишонч ҳосил қилди. Зеро, Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги Юнусобод кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Дўстлик» маҳалласига қўлиб боқган бу омад дилида иштиёқи бор одамнинг ҳар қандай яхши ниятга албатта эришишидан далолат бериб турарди.

лар электр энергияси, газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланган.


—Кўрик-танлов Ўзбекистон



Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январдаги «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорга мувофиқ ўтказилган эди. дейди голий маҳалла оқсоқоли Абдуфаттоҳ ака Абдуллаев. Бундан қўзланган мажмон Фармонов ташриф буюриб, ўз санъатларига ёрдам берган эди. 30 нафардан зиёд ота-онани қадрлаган Самарқандга, Имом Ал-Бухорийи зияратгоҳига бепул саёҳатини уюштирдик. Кам таъмин-

тоҳ аканинг отаси — Меҳнат қаҳрамони Фуломмаҳмуд Абдуллаев эл эъозлаган муътабар инсон эди. Бир ҳўжалини 50 йил бошқариб, халқимизнинг меҳр-муҳаббатига сазовар бўлган эди. Ҳозир у бошқарган жамоа ота-хонининг номи билан аталади. «Дўстлик» маҳалласи эса шу ширкат ҳўжалини худудиде жойлашган истиқболли порлоқ маҳаллаларнинг бири.

—Абдуфаттоҳ ака ҳаётнинг пасту баландини биладиган ажойиб инсон,—дейди Фуломмаҳмуд Абдуллаев номи ширкат ҳўжалини бошқарувининг раиси Абдуллаев Маҳмудов. Ҳаётини илму фанга бағишлаган. 41 йил Тошкент Давлат аграр университетда кафедра мудири, декан, ўқув ишлари бўйича про-



голий деб топилиб, ташкилотчиларнинг 350 минг сўм пул мукофоти ва гилам билан тақдирланди.

—Ониги кўрик-танловда голийликни кўлга киритишни хаблимизга ҳам келтирмаган эдик,—дейди биз билан суҳбатда «Дўстлик» маҳалласи оқсоқоли Абдуфаттоҳ ака Абдуллаев. —Омадини синаб кўрмоқчи бўлиб комиссияга ҳужжатларимизни тайёрлаб топширган эдик, қарангки, бахтимиз чопган экан голий бўдик.



реktor бўлиб ишлаб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими» фахрий унвонига мушарраф бўлди. Кишлоқ ҳўжали фахлари номзода, профессор даражасига эришди. Нафақад бўлишига қарамай ўзини эл ишига бағишламоқда. Икки йилдан бун «Дўстлик» маҳалласини бошқариб келапти. Унинг меҳнатлари боис бу ерда озиқ-овқат дўхони, кундалик газета ва журналлар билан савдо қилуви шашобча ва нон заводи барпо этилди. Маҳаллада яшайдиганларнинг 75 фоизи ҳўжалигимиз аъзоси. Шунинг учун уларнинг қувонч ташвишларига даимо шериқим. Зарур вақтда ёрдамимизни асло аямиймиз. Ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз...

Унда икки мингга яқин аҳолини бириштираш бу маҳаллада ҳозир 2 та озиқ-овқат дўхони, чойхона ва сартарошона, мактаб, болалар боғчаси, клубхона, новъойхона, нон заводи ишлаб турлади.Хонадон-

садга эришдик. 2002 йилнинг дастлабки кундаёқ маҳалламиз қарияларидан бир гуруҳини ва фаолларини бир пиевга чоғга тақлиф этиб, «Қарияларни қадрлаш йили»да қиладиган ишларимизни режалаштириб олдик. Шунга мувофиқ ҳар оининг журамси маҳаллада «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Шу мақсадда маҳалламиздаги қариялар чойхонасида қариялар бурчагини ташкил қилиб, ҳижроладик. Ҳомийларимиз кўмаги билан ҳар оининг сўнги журамсидаги «Қарияларни қадрлаш йили»нинг ҳар бири ўзига хос тарзда ўтди ва қария-

Аслида шу бир оғиз сўзининг ортида катта меҳнат ва заҳмат ётибди. Абдуфаттоҳ ака билан суҳбатлашармиш-у, унинг оғир-босиқ, мулоҳазали гапларидан кўпни кўрган, маҳалла учун фидойий инсон эканлиги кўнгилмиздан кенди. Эришган мартабасидан оқиб, оғир эҳтибор сизидилдан қилган халқ меҳнати боислигини ўйласак дилимиз янада равшан тортади. Абдуфат-

ланган оилаларга ёрдам қўлини чўздик. Меҳнатларимиз эва кетмади...

—2003 йил-Обод маҳалла йили. Шу муносабат билан Абдуфаттоҳ ака хайрли ташвишларининг ортидан қўрибди. Бу йилги мустақиллик байрамси маҳаллада маҳалланинг замонавий гузарини қуриб, ишга туширмоқчи. Ташландик жойдаги қаровсиз бинони спорт мажмуига айлантирмоқчи. Хуллас, маҳалла оқсоқолининг эзгу ишлари «Дўстлик»ни янада гуллаб яшашига хизмат қилапти.

Рустам ДОСТОН, «Адолат» мухбири.

Суратларда: маҳалла оқсоқоли Абдуфаттоҳ ака Абдуллаев (ўнгда) билан Фуломмаҳмуд Абдуллаев номи ширкат ҳўжалини бошқаруви раиси Абдуллаев Маҳмудов янги режалар устида ишлашмоқда; маҳалладаги «Нон азиз» масъулияти чеklangан жамиятининг нон тарқатиш ходими Э.Толипов, уста новъой А.Уразалиев ва қорхона ишчиси М.Саматов иш пайтида; маҳалла фуқароларининг бўш пайтлари ўзларига қарашли чойхонада шундай ўтади.

Козим УЛМАСОВ олган суратлар.

Жиноятга жазо муқаррар

## ТЕЛЕВИЗОРФУРУШ ТУМШУФИДАН ИЛИНДИ

Халқимизда: «Бекордан худо безор», «Саёқ юрсанг, тавқ ойсан» деган мақоллар бор. Нишон тумани, Талимардон шаҳридаги 1-ийти туманининг 51-уйда яшовчи Илхом Шеровнинг хатти-ҳаракати юқоридеги халқ мақоллари нақадар тўғрилигига ҳаётини мисол бўла олади. Бирор фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан юрган қулларнинг бирини унинг ҳаёлига сохта тadbиркорлик қилиб, жарақ-жарақ пул топиш фикри келди: «Телевизор савдоси билан шуғулланганим маъқул!»,—дейди Илхом ўзинча.

иқи ишлар бўлими йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан тўхташилди.

Текширув ва суриштирувлар Илхом Шеров ўзининг хатти-ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 188-моддасининг 2-қисми «Б» бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир этганини далиллади.Негаки у тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан, назорат қилинмайдиган кўп миқдорда фойдал олишни кўзлаб мажбур қонун-қоидаларга эид ҳаракат қилди. Жиноят ишлари бўйича Нишон тумани суди эса сохта тadbиркор-телевизорфурӯш Илхом Шеровни қилмишига яраша жазолади.

Ҳар бирини 120 минг сўмдан пуллаб, гайриқонуний тарзда 780 минг сўм фойда олиш эди.

Илхом Шеров телевизорларни ўз бошқарувидаги «Дамас»русумли 18 G 0394 давлат рақамли автомашинада пуллаш учун Қарши шаҳрига олиб кетавтганда Нишон туманининг А.Қодирий номи жамоа ҳўжалини худудиде вилоят

жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг дипломлари ва қимматбахо совгалари, «Узнефтьгазуқилиш» акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси, Шаҳарсозлик ва қурилиш Бош бошқармаси, «Авиасозлар бозори» ОАЖ, «Эски Жўва бозори» ОАЖ, Маданий боғдорчилик ва гулчилик Давлат ҳўжалини, «Камолот» ЁЙХ Тошкент шаҳар бўлими ва бошқа кўпгина ташкилотлар тақдим қилди.

И.КОМИЛОВ, «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг мутахассиси.

Кўрик-танловнинг асосий мақсади-гулларнинг анъанавий ва янги турларини намойиш қилиш, ноёб гулларни асраб қолиш, гуллардан иборат композицияларнинг янги турларини, ҳамда йўналишларини кўрсатиш, уларнинг замонавийлигини, қўринишини баҳолаш, ёш, иктидорли гулчиларни аниқлаш, гуллар орқали ранглар жиловини тўлиқ намоён этиш санъатини, гулчилар фаолиятини тарғиб қилишдир.

Яхши анъанана айланиб бораётган мазкур кўрик-танловда шаҳардаги ёш гулчи-тadbиркорлар, таниқли гулчилар, шулар қаторида биологлар, фанлари номзодаи Аркадий Кияткин, рассом-дизайнер Надежда Милашевич, гулчи Муқаддас Аҳмедова каби фидойи, моҳир гул шай-долари билан бирга гулларнинг турли хил турларини экишни, парваришашини энди ўрганаётган, гуллардан хилма-хил композициялар ту-

## ХАЙРЛИ ТАДБИР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида АҚШ томонидан юрти-мизга ёрдам тариқасида қўрилган доривазирликлар ва тиббий ускуналарни топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Американинг Ўзбекистондаги фаску-лода ва муқтор элчиси Джон Херберт ва Ўзбекистон бошқариш вақфи вазири Феруз Назиров ва бошқа расмий кишилар иштирок этидилар.

Ишбу доривазирлик ва тиббий ускуналар «ХОП» лойиҳаси томонидан амалга оширилган ва АҚШ Халқаро Ривожлантириш Агентлиги (USAID) томонидан молия-лаштирилган қўшма дастурларни амалга оширишга йўналтирилди. Ҳозир дастурлар доирасида ортимизнинг 10 та туманида сил касаллигига қарши тadbиркорлик олиб борилмоқда. Шунингдек, республиканинг Навоий, Қашқадарий ва Сурхондарё вилоятларида оналар ва болалар саломатлигини яқшилатишга қаратилган ишлар бажариламоқда. Доривазирлик ва ускуналарнинг бири қисми Навоий вилоятининг Навоий, Зарафшон ва Мурғаб тушкент шаҳарларидаги тоғ-қорнақларни шифохоналарига жўнатилади.

Мазкур инсонпарварлик хўж АҚШ хўжлари Зарафшон-Нўмон ва «ХОП» лойиҳаси томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қўриб берилган ёрдамнинг дарамти бўлиб, вазирликнинг Ўзбекистон аҳолиси соғлиқни сақлаш ва янгиликларни тарқатишга кўмак беришга қаратилган.

Зафар КАЛОНОВ, «Адолат» мухбири.

## “01” огоҳлантиради

ЁНГИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Баҳор келиб, қуллар анча исиб қолди. Ҳадемай жазирама қуллар ҳам бошланади. Бу даврда ёнғинларнинг бирмунча кўпайиши табиий ҳол. Аммо шунга влоҳида эътибор бериш лозим, ёнғинларнинг ақсарият қисми фуқароларимизнинг ёнғинини олдини олиш қоидаларига риоя қилмасликлари оқибатида содир бўлмоқда. Жумладан, баҳор фаслида фуқаролар уйлари атрофини, томорқасини тозалашиб, йиғилган чиқиндиларни ёки қуллар ўтларини йиғиб олишмайди. Натихада ёнғинларнинг эҳтиётсизлиги боис дуч келган жойга сизга қолдиқларнинг ташланиши натижасида ёнғин содир бўлади.

Шу йилнинг биринчи қоригади Миробод туманида 22 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинлар оқибатида 36 минг сўм моддий зарар етди. Энг ачинарлиси ёнғинларда икки фуқаро ҳаётдан кўз юмди. Шу давр ичида аҳоли шахсий хонадонларида 10та, давлат уйларида 8 та, оқиқ майдон ва бошқа жойларда 4 та ёнғин содир бўлди. Шуларнинг 13 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлган. 9 таси эса эҳтиётсизлик билан сизгарета чекиш оқибатида келиб чиққан.

Ушбу ёнғинларни олдини олиш ва юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида Миробод тумани ИИБ ЕХБ ходимлари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври давомида туманда тарғибот ва ташвиқот ишлари қўйайтирилди. 6 мартаба шаҳар телевидионисеи орқали, 763 мартаба кабель телевидионисеи орқали курсатувлар тайёрланди, эфирга узатилди. 34 мартаба шаҳар радиосеи орқали эшиттиришлар уюштирилди. Шунингдек, маҳаллаларда 60 мартаба учрашувлар ўтказилиб, бу учрашувларда жами 3268 та фуқаро қатнашди. Учрашувларда фуқароларига ҳар хил турдаги муурожаотнома ва эслатмалар тарқатилди. Мазкур ишларнинг ҳаммаси аҳолини ёнғиндан эҳтиёт бўлишга қорлайди.

Дилмурод НОРСОДИКОВ, Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, ички хизмат катта лейтенанти.

## ҚАҲ-ҚАҲА

СИЗСИЗ УЙИМИЗГА БОРОЛМАЙМИЗ

Икки ўртоқ тунда ширақай ҳолда кўчага чиқибди-да йўловчи машинани тўхташтиди.

—Юнусободга уч кишини олиб бориб қўймайсизми,—деди улардан бири.

—Марҳамат, — аммо сизлар икки кишинизлар-ку, шериқларингиз қани,—деди ҳайдовчи ажабланиб.

—Сизсиз уйимизга боролмаймиз-ку!—дебди бошқаси.

МОЛ ДЎХТИРИ ЭМАСМАН

Шифокор ҳузурига кирган киши деди:

—Дўхтир, хотиним чўққадек семириб кетиб, сиз, дўхтирга бориң-да, нини еган итдек қилди-ган нарсани сўранг депти. Нима қилсам бўлади? Шифокор:

—Билмадим мен мол дўхтири эмасман,—деб жавоб қайтарди.

ПОЛВОН ЭМИШ...

Тош кўтариб турган неварасининг олдига келган отахон деди:

—Билсанми, 18-19 ёшларда эдим чамамда, Армиядалигимда бир ҳаракат билан ўн кишини шифохонага ётқизганман. Невага хайрон бўлиб сўради:

—Нима боксёр бўлган-мисиз?

—Йўғе, ошпаз бўлганман, ошпаз,—деди отахон.

ЮРМАГАН ҚАЛЛИҚ

Биринчи урашувга чиқкан йигит қизга деди:

—Келишиб олайлик, агар бирга бўладиган бўлсак, бир-биримизга бундан-бўён тўғрисида айтишимиз керак.

Айтингчи мендан олдин бошқалар билан юрган-мисиз?

—Йўқ уларнинг ҳаммасида енгил машина бор эди.

ХОТИНМИ Ё МУШУКМИ?

Терговчи қўл оёқлари гипслаб ташланган аёлдан сўради:

—Хўш, эрингизнинг айби нимада деб ўйлайсиз.

—Мени мушук деб ҳарқорат қилди.

—Нима бўпти, шунга ҳам ота гўри қозихонами?

—Йўқ эрим мен томондан ташлаб синаб қўрди.

ДАДАСИГА МУМКИН

Бола онасига деди:

—Ойиҳон анави катта анқорда чўмилсам майлими?

—Йўқ чўкиб кетишинг мумкин.

—Дадам чўмилаяптилар-ку!

—Ҳеч қиси йўқ, даданг ҳаётини сугурта қилдирган.

ЖАНГ ОЛДИДАН

Равшан дадасини саволга тутди:

—Дада, нега ойим билан қўпинча қўл ушлашиб турасизларда, бирдан уришиб кетасизлар?

—Шуни ҳам билмайсанми, боксчилар ҳам олдин қўл ушлашиб кейин жанг-ни бошлашади-ку!

НОН ҲАМ

Талаба йигит рақсга туша туриб йиқилиб тушди.

—Сув,—деди шу ердагилардан бири талабанин бошини бироз кўтариб.

Талаба келтирилган совуқ чойни ичди-да:

—Нон ҳам,—деди қўзларини ола-қула қилиб.

## ПУЛ КЎТАРГАН АЁЛЛАР

### ЁКИ ДОЛЛАР ОЛДИ-СОТДИСИДАГИ НОҚОНУНИЙ ИШЛАР ҲАҚИДА

Эрта тондан банк олдида навбатда турган тўл-тўп одамларни кўзатиб қилиш: «Ха, энди толганини долларга алмаштириб олаётганлар», дейиши мумкин. Тўри-да, ишлаб топган пулини банкка олиб келиб чет эл валютасига алмаштириб олишнинг нима-си ёмон. Бироқ, ақсарият ҳолларда доллар олди-сотидеда «Йиллар бўлаётган, бундан кўз юмиб бўлмайди, Яна бир ташвишли ҳолатни айтиб ўтиш лозим. Банкда навбатда турганларнинг кўпчилиги «эски мижозлар», «ёлланма» харидорлар. Ноқонуний ишга қўл ураётганлар асосан аёллар бўлиб чиқаётди. Бунга туманда валютга оид қонунбузарликларнинг аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилиш борасида ўтказилган текширишлар мисол бўла олади.

хоннинг устидан жиноий иш очилди. А. Кирқова қандай қилиб Гулчехра исмли аёлнинг «қармоғига» илинган, бизга қорангу. Аммо, унинг тартиб-қоидага эид ҳолда бегона аёлга 1500 АҚШ доллари олиб бергани рол. Гулчехра энди пушаймон. «Бундай бўлишини билмаган эканман, кечиринглар», дея тава қилапти. Энди кеч. Иши судга оширилди. «Қаҳрамон»ларимиздан яна бири Фотима Солиқовдир. Бу аёлнинг хан «номер» ўтмади. Чўки 3. Тоҳирова паспорти билан банкдан 1500 АҚШ доллари сотиб олганида ишининг чапта кетишини хабарига ҳақ келтирмаган қўрилади. «Билмаган» дея кўз ёшлари билан қанчалар ўзини оқламасин барбирик қонун олдида жавоб беришига тўри келади.

Васила Салимова билан Гулчехра Норбоева (исм-фамилиялари ўзгартирилган Х.А.) банкдан «тирикчи» очиб олган шекили таниши Катта Николовадан паспортни билан 1500 АҚШ доллари сотиб олишди. Улар «хонли» хизмат ҳақи сифатида Катга 10000 сўм беришганди, сир очилиб қолди.

Х.Валдира билан Ш.Шокирова ҳам пухтини ёрганлардан экан. Булмас улар Н.Александрованинг паспорти билан 1000 АҚШ доллариға тенг йўл чекини сотиб олишарди? Натасха эса шу кун 1000 сўлик «сильов»дан қуруқ қолди. Феруза исмли аёл эса анча «ишбилармон» бўлиб чиқди. У таниши Дилфуза Чориевани икки оғиз гапи билан «эритиб» бозорди.

Валота алмаштириш шаклини олдиде қўшма ишга ўтказилганларнинг кўпчилиги хотин-қизлар. Қизик, Нега аёллар? Савол кетидан савол. Нега биз ардоқлаган улугъайдагилар аёлларимиз бугун билиб-билмай ноқонуний ишларга аралашиб қолмапти? Нега арзимас пул эвазига шаънини ерга уришпти? Бугуннинг оғирлиги «нуктаси» мавзуси бўлганлиги сабабли баъзи аёлларнинг қонунга эид ишларини қаламаг олдик. Бу бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин.

Бир кунда ўттиз минг ишлаб олмайсизми? —Қандай қилиб?— қизиксинди Дилфуза.

Банкдан 1500 доллар олиб берсангиз бас. Мендан 30000 сўмини кўртдай санаб оласиз.

Бу гапдан оғзи қулгоғига етган Дилфуза шартга кўнди. Паспорти билан Ферузага 1500 АҚШ доллари олиб берганида «бу иш қонунга эид», дея ҳўжжат тузилди. Энди Ферузанинг «иши» судда қўрилади диган бўлди.

Наргиза Тўхтаеванинг ҳаракатини ҳам оқлаб бўлмайди. Негаки, бу аёл ўз таниши Н. Мирзакурованинг паспорти билан 500 АҚШ доллари сотиб олганди оқибат воқ бўлди. Шу кун 10000 сўмлик «муқофат»дан умидвор Н. Мирзакурова «аттанг», деб қолди.

Нодира Шохирова эса дангдан экан. Танишларини «Кимки, менга банкдан 1000 доллар олиб берса, 20000 сўм ушаним», деди. Бу гапдан «руҳланган» Фуркат Тошмухаммедов «биз-да», дея тўри-валотга айирбошлаш шашобчасига кириб бориб, 1000 «қўқ»ни олиб чиққан Фуркатни у ҳурсанд кутиб олди. «Яшанг, ўғил бола экансиз, мен ҳам ўғил боладан қолшмайман, ваъда-ваъда, «суюнчи» пулни олинг». Аммо уларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Нодира

Хусан АХМЕДОВ, Ақмак Икромов туман прокуратураси ҳузуридеги Солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

## Биласизми?

## БРЮС ЛИ

1940 йилнинг 27 ноябрида АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида хитой опера актёри оиласида фарзанд дунёга келди. Унга «Ченфань деб ном қўйилди. Бола нимжон, касалдан бўлиб ўсаётгани учун ота-онаси ўғлини ўша даврда донги кетган Хитой услубидаги соғломлаштириш мактабига ўқишга беришди.

Ли бу мактабда устозининг барча мураккаб ҳаракатларини қизикиб билан қойилмақом қилиб бажаришини ўрганди. Устози ҳурсанд бўлганидан унга Шарқ яққа курашининг айрими янги усулларини ҳам мукамал ўргатди. Бир кун Ли бу мактабдан кетмоқчи эканлигини устозига айтди. Устози ўйланиб, бошини қашиб, унга ҳеч қаврга бориш кераги йўқлигини айтиб «ўзим сенга билганларимизни ҳаммасини ўргатаман», деб олди қолди. Шундай қилиб, Лиға Кунг-фу яққа кураши сирларини ўргатади.

Кейинчалик университет қошида янги шахсий Кунг-фу мактабини очди. У университетда ўқиган даврида шу университет студенти бўлган Линда Эмери деган қиз билан қалин дўстлашди. 1967 йили улар турмуш қуришди. Брюс Ли мактабининг донги тобора ошиб боради. Ҳатто машҳур эстрада ва кино йолдузлари унинг бир соатлик машғулотига қамиде 500 доллардан тўлайдиган бўдилар. Мактаб билан яқиндан танишган машҳур кино режиссёри уни фильмда Кунг-фу устози ролига тақлиф қилди.

Ли бир йилдан кейин янги устози Им Пан бошчилигида Вин Чун усулини ўрганади. Аслида бу усули бундан 400 йил бурун Хитойлик Вин Чун номи аёл ўйлаб топган. Мазкур усулга асосан рақибнинг имконияти, қуни ва унинг техникавий тажрибаси инобатга олиниб, кураш давомида фақат рақибнинг қучини унинг ўзига ишлатар эдилар.

Шундай қилиб, Брюс Ли (бу исми унга дўстлари беришган) бир икки йил мунтазам машқлардан кейин, моҳир Шарқ яққа кураши устасига айланади. У доимо ўзининг биринчи устози насихатларига қатъий амал қиларди. Яъни рақибни енгитан тақдирда ҳам уни ҳарқорат қилмас, қамситмас, ўлар ҳолатга келтирмасди. Ли ҳеч қачон ўз рақибини курашда ўлдирмаган ягона яққа кураш устаси ҳисобланади.

Бироз ўтиб, Гонконгдаги «Уч чайна» деб ном олган машҳур мафия гуруҳи қизикиб, уни ишга тақлиф қилишади. Чўки унинг тўғрисида Гонконг бўйича турли ваҳималик миш-мишлар тарқалган эди. Ли бу тақлифни рад қилди. Шунинг учун ота-онаси унинг ҳаётидан хавфсизираб, АҚШга ўқишга жўнатдилар. У АҚШда Эдисон техника мактабинин битириб, университетга қиради. Ота-онаси ўқини учун маб-лағ топа олмаганидан кейин, у ўқини вақтинча ташлаб, бир йил ресторанда идмш-товок ювади. Бу вақтда у ўз устиде тинмай машқ қилиб маҳоратини янада оширади.

Фильм Лиға катта шўҳрат ва даромад келтирди. Чўки фильмдан жуда катта фойда тушганди-да! Шундан кейин Брюс Ли қисқа вақт ичида «Катта Босс», «Улим муштин», «Хитойлик қариндош» фильмларида суратга тушди. Тез орада бойиб кетган Ли ўз киностудиясини очди ва «Улим билан ўлим» фильминини суратга олишга киришди. Бу фильмда барча шарқ яққа кураш усуллари қўриштирилиб керак эди. Лекин Брюс Ли қўзлаган мақсадиға етмай, 1973 йил 20 июнда 33 ёшида тўсатдан вафот этди. Шу пайтгача унинг ўлимига асосий сабаб, Кунг-фу курашининг маҳфий усулларини ошқорла қилганлиги учун Кунг-фу усталари ўлдирган ёки уни мафия захарлаган деган тахминлар бор.

Аслида Лининг мурдасини ёриб қўрган эксперт шифокорларнинг фикрича 33 йили Лининг танаси 16 йиллик ўсмир танасидай эди. Кейинчалик маълум бўлдики, Лининг ўлимига сабаб бўлган асосий нарса унинг қудратли табиий организмнинг эрзиманган бод оғриги таблеткасига берган салбий реакцияси экан.

Брюс Ли чемпионатларда иштирок этмаган, қора белбоғлар учун ҳам курашмаган. Аммо курашмоқчи бўлган қўлаб тарафдорлар билан тотамига чиққан.

Илхом ШЕРМУХАММАД.



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси иқидий жамоаси.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Р. З. АХМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи)  
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ГУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖҲРАБОВЕВ, Р. Р. ХАЙДАРОВ,  
К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Б. ТОШЕВ, Р. М. АЗИМОВ,  
Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ҳ. Ф. ЖҲРАЕВ, М. Б. РАҲМОНОВ,  
Н. НУРМАТОВ, Д. Ф. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТҲРАҚУЛОВ (ўз мухбир).

Мўлоқот учун телефонлар: Хатлари ва шикоятлар бўлими — 136-53-14. Бузгалтерия — 136-55-64. Факс: (8.371) 133-41-89.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 267, Адади 2410 Ҳақми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмоханасида чоп этилди. Қорхона маънази: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚУШОКОВ | Навбатчи — Зафар КАЛОНОВ

Газета ИВМ компьютерида терилади. Босинга топшириш вақти—20.00.

Босинга топширилди 06.30.